Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 20-may, seshanba № 61 (3410)

Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган озод ва обод Ватан қолдирайлик.

Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ШАНХАЙГА КЕЛДИ

ШАНХАЙ, 19 май. ЎзА махсус мухбири Баҳодир ЭРГАШЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммити йиғилишида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарини Шанхай шаҳрининг «Хунцяо» халқаро аэропортида ХХРнинг расмий шахслари тантанали равишда кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва ХХР Раиси Си Цзиньпин 20 май куни икки томонлама учрашув ўтказади. Суҳбат чоғида икки давлат раҳбарлари стратегик шерикликнинг устувор мақсадли вазифалари ва мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли масалаларини атрофлича муҳокама қилади.

Президент Ислом Каримов 21 май куни Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммити йиғилишида иштирок этади.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш қитъада ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро форумдир. Кенгашнинг асосий мақсади кўп томонлама муносабатларни ишлаб чиқиш орқали бу йўналишдаги ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Бугунги кунда Кенгашга 24 давлат аъзо. Тўққиз мамлакат ва тўрт халқаро ташкилот унинг кузатувчилари ҳисобланади.

ЎзА

«Касаба-тур — 2014»

ЎзА сурати

Соғлом турмуш сари

Веломарафон эзгу мақсадлар йўлида навбатдаги қадам бўлди

Эътибор

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз раҳнамолигида бу соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар натижасида, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, болалар ва аёллар ўртасида спорт оммалашиб бормоқда.

— Ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан мутаносиб ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда, — деди Президентимиз Ислом Каримов жорий йилнинг 28 январ куни Оқсаройда ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида.

«Соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир». Юртбошимиз томонидан айтилган ушбу сўзлар мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берган бўлиб, Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан узоқ истиқболни кўзлаб, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган эзгу ниятни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Айтиш мумкинки, олижаноб мақсад йўлида миқёси ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун барча зарур шароитлар яратилди.

2013 йилда болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилди. 113 та спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объектларнинг 132 таси қишлоқ жойларда ишга туширилди. Бу мақсадлар учун 210 миллиард 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Мамлакатимизда қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда, аёл мураббий ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг ўрин берилаётир. Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида ўқувчи қизларга спорт кийимлари топширилмоқда. Бу қизлар ўртасида спортнинг янада оммалашиши, уларнинг соғлом, бақувват ва дуркун бўлиб улғайишида муҳим омил бўлмоқда. Бугун юртимизда 842 минг нафарга яқин қизлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида жойларда ташкил этилаётган турли мусобақалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

Бундай хайрли ишларнинг кенг қулоч ёзишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи велоспортга бўлган эътибор айрича. Зеро ходим саломат, хуш кайфиятда бўлса, иш унумдорлиги ортиши, жамоада ҳам кўтаринки кайфият ҳосил бўлиши, исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Велосипед шунчаки улов эмас. У экологик тоза бўлган транспорт воситаси ҳамдир. Шу боисдан ҳам ЎзКУФК томонидан қабул қилинган «Корхона, ташкилот ва муассасалардаги ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-тур» веломарафонини ўтказиш тўғрисида»ги қарор жойларда мамнуният билан кутиб олинди.

Тўрт босқичли мазкур мусобақа юртимизда истиқомат қилиб келаётган аҳолининг барча қатламлари орасига кириб борди. Веломарафоннинг ҳудудий уч босқичи юксак савияда ташкил этилди. Унда юртимиздаги 7200 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган 283 мингга яқин ходим — ҳаваскор велоспортчилар қатнашди. Қувонарлиси, уларнинг 62 минг нафари хотин-қизлардир.

Эътироф этиш лозимки, «Касаба-тур — 2014»нинг якуний — республика босқичи ҳам юқори савияда ташкил этилди.

— Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида спортнинг барча турларини бирдай ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Чекка-чекка қишлоқларда ҳам спорт иншоотлари бунёд этилмоқда. Фарзандларимизнинг соғлом бўлиб вояга етиши ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Ташкил этилаётган спорт тўгаракларида юз минглаб фарзандларимиз машғулотлар олиб бормоқда, — деди, жумладан, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — Юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, халқимизнинг ахил ва иноқлиги мана шундай спорт мусобақаларини ташкил этишга имконият яратмоқда. ЎзКУФК томонидан велоспортнинг оммавийлашиши, янада ривожланиши йўлида катта қўламдаги ишлар олиб борилмоқда.

Эътиборли жиҳати, Велоспорт федерацияси ЎзКУФК оталиғига олингандан сўнг, спортчиларимизнинг ғалабалар салмоғи сезиларли равишда кўпайди. Владимир Тўйчиев, Вадим Шаехов, Александра Охват, Олга Дробишева ва яна кўплаб профессионал велоспортчиларимиз халқаро ареналарда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Фикримизга далил сифатида яқинда якунига етган икки халқаро мусобақадаги натижаларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Халқаро майдондаги муваффақиятлар

Остона шаҳрида эркаклар ва аёллар, шунингдек, ёшлар ўртасида 8 босқичдан иборат, кўпкунлик пойгалар якунига етди. Якка ва жамоавий тартибда очколар учун пойга, кейрин, спринт, турган жойда тезлик олиш каби пойгалар жой олган мазкур мусобақа велоспортчиларимиз учун трек бўйича ташкил этиладиган Осиё чемпионати йўлидаги сўнгги тайёргарлик босқичи бўлгани сабабли ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Бундан ташқари, велоспортга киритилган ўзгаришлардан бири — ёғочдан тайёрланган трекда ҳаракатланиш лозимлиги ҳам ўзига хос мураккаблик бўлди.

Велоспортчиларимиз бундай трекда биринчи марта иштирок этаётганига қарамай уялтириб қўйишмади. «Elit» гуруҳидаги эркаклар ўртасида истеъдодли ва тажрибали вакилимиз Вадим Шаехов 100 айланадан ташкил топган жамоавий беллашувларнинг учинчи босқичида олтин медалга сазовор бўлди. У еттинчи босқич пойгасида ҳам муваффақиятли қатнашиб, ғазнамизга кумуш медални қўшиб қўйди.

Ёшлар ўртасидаги баҳсларда иштирок этган Эрнест Османов бундай ёғоч трекда тажрибаси камлигига қарамасдан, жамоавий (72 айлана, очко учун) баҳсларда икки карра кучли бешликка кирди ҳамда муҳим рейтинг очколарини қўлга киритди.

(Давоми 4-саҳифада).

Амалий семинар

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини ташкил этишнинг долзарб муаммолари» мавзусида амалий семинар ташкил этилди. Унда бирлашма мутахассислари, туман кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилот раислари иштирок этишди.

Семинарда касаба уюшма ташкилотларида иш юритиш, жамоа шартномаларининг бажарилиши, ҳужжатлар юритиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, меҳнат муҳофазаси ва ахборот технологиялари билан ишлаш масалалари таҳлил этилди.

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

— Ахборот технологиялари ривожланган дунёда яшаётган эканмиз, касаба уюшмаларида ҳам компютер саводхонлигини ошириш, дастурлар билан ишлаш, ҳужжатларни электрон алмашиш муҳим масалалардан биридир, — дейди бирлашма етакчи мутахассиси Ф.Холиқов. — Айтиш жоизки, айрим касаба уюшма раислари, фаоллари компютер билан ишлаш бўйича етарли малакага эга эмас. Шу боис семинарда шу ва бошқа мавзуларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кўтарилган масалалар юзасидан бирлашма мутахассислари фикр алмашдилар.

Ўз мухбиримиз

Кўрик-танлов

Пойтахтимизда «Энг намунали оила» кўрик-танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловнинг қуйи босқичларида 9 мингдан ортиқ оила иштирок этиб, якуний босқичга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 та оила саралаб олинди.

«Энг намунали оила»

— Юртимизда оилалар манфаати йўлида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Баситхонова. — Жамият таянчи бўлган оилаларни асраш, маънавий ҳаётимизда уларнинг ўрни муҳим эканини кўрсатиб бериш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, оила, энг аввало, комил инсонни камол топтиради, миллий қадриятлар ва анъаналарни авлоддан авлодга ўтказишда асосий занжир вазифасини ўтайди. Ҳар бир оиланинг ўзига хос қувончу ташвишлари бор. Ўйлайميزки, бу танлов иштирокчилари оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги ишларимизга ўз ҳиссаларини қўшиб, ибрат кўрсатишади.

Тадбир жараёнида иштирокчилар йиғилганларни оиласидаги ижтимоий-маънавий муҳит соғломлиги, фарзандлар ва набиралари тарбиясидаги тажрибаси, меҳнат фаолияти давомида амалга оширган ишлари билан яқиндан таништиришди.

Ғолиблар 3 та 1-даражали диплом ва «Соғлом фарзанд – соғлом ва ахил оила меваси», «Пири бадавлат оила», «Ўзаро ҳурмат, меҳнатсеварлик ва тартибга асосланган оила», «Оила — энг биринчи ва энг кучли тарбия ўчоғи», «Аёл оқилаю эр ишбилармон, демак, кундан-кунга обод хонадон», «Оила — мўъжаз Ватан», «Маънавий ва моддий ҳаёти уйғун оила», «Оила — жамият негизи ва кўзгуси», «Кайноналар иззатда, келинлари хизматда», «Оила — авлодлар умр занжирини мустаҳкамловчи муқаддас даргоҳ», «Набиралар ардоғидаги ибратли оила» номинациялари бўйича тақдирланишди.

(Давоми 4-саҳифада).

СИФАТЛИ ҲАМШИРАЛИК ЁРДАМИ

«Пойтахт» бизнес марказида «Ҳамширалар — соғлиқни сақлаш тизимида ҳаётий муҳим таянч ва ҳаракатлантирувчи кучдир» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида аҳолига кўрсатилаётган профилактика йўналишидаги хизматлар ва сифатли ҳамширалик ёрдамини ташкил этиш, патронаж тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича маърузалар тингланди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг жойлардаги ижроси бўйича маълумотлар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Ф.Ханапияев сўзга чиқиб, иштирокчиларни касб байрами билан қизғин табриклади. «Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятининг мониторинги» ҳафталиги натижаларига асосан ҚВП мудирлари, умумамалиёт шифокорлари, оила ҳамширалари ва ўрта тиббий ходимлардан 14 нафарига Республика кенгашининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Раъно МАҲКАМОВА, «Ishonch» мухбири

«Ёзги таътил — 2014»

Мароқли ҳордиқ таъминланади

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида болаларни ёзги соғломлаштиришни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Самарқанд вилоятида ҳам масъулиятли мавсумга пухта ҳозирлик кўрилаётир. Оромгоҳларни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи гуруҳ амалга оширилаётган ишлар юзасидан муттасил мониторинг олиб бормоқда. Хўш, бу йилги мавсумнинг алоҳида жиҳатлари нималарда кўзга ташланади? Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодиров мухбиримизга шу хусусда гапириб берди:

— Бу йил стационар оромгоҳларни мавсумга тайёрлашга барвақт киришилди. Эрта кўкламдан оромгоҳлар ҳудуди ободонлаштирилиб, дарахтларга шакл берилди. Қарийб 1,5 минг тупга яқин мевали дарахт кўчатлари, 10 минг тупдан ортиқ терак қаламчалари ўтказилди. Мавжуд бино ва иншоотларни таъмирлаш, жиҳозлаш, қайта қуриш ишлари бошлаб юборилган. Ҳар ҳафта мутахассислар ва мутасаддилар томонидан амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, кечикаётган юмушларни тезлаштириш борасида фикрлашиб олинаётир.

Маълумки, вилоятимизда имкон қадар табиат қўйнида дам олувчи болалар сонини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бундан уч йил олдин меҳнаткашларнинг 17 минг нафар фарзанди доимий оромгоҳларда таътилни ўтказган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 5 минг нафарга кўпаяди.

Шунингдек, Оролбўйи ҳудудида яшовчи болажонларни дам олдириш миқдори оширилиши режалаштирилаётир.

(Давоми 2-саҳифада).

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

Июл — декабр ойлари учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Ishonch
2014-yil 20-may № 61 (3410)

Касаба уюшма ҳаёти

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида кенг кўламли ишларни бажариб келаётир. Хусусан, тасарруфимиздаги бошланғич ташкилотларнинг мавқеи ва нуфузини оширишга, тизимдаги кадрлар ва фаоллар салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давр талабига мос

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилмоқда. Жумладан, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлари билан 30 дан зиёд битим, келишувлар тузилиб, ижтимоий шериклик кўлами кенгайтирилди. Вилоятимизда 1 та минтақавий, 14 та туман келишуви ва 6237 та жамоа шартномаси қабул қилинган бўлиб, улар орқали қарийб 243,5 минг нафар ходимнинг манфаатлари ҳимояга олинган. 2010 йилнинг июл ойидан 2014 йилнинг феврал ойигача жамоа шартномалари орқали 19880 нафар меҳнаткаш ва 17036 та оилага 4,1 млрд. сўмлик ижтимоий кўмак кўрсатилди. Келишувлар ва жамоа шартномалари асосида ҳар йили ўрта ҳисобда 1552 нафар ишловчи аёлга қўшимча таътил берилди. Минг нафардан ортиқ аёлнинг ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ таътиллари узайтирилди. 500 нафар кўп болали аёлга қисқартирилган иш куни белгиланиб, моддий кўмаклашилди. 100 нафар ишловчи байналмилал жанг-чини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари кўрилди. Касаба уюшмаларида ишлаб нафақага чиққан 77 нафар пенсионер 11,6 млн. сўм миқдорида ҳомийлик ёрдамидан баҳраманд бўлди, Ногиронлар, «Саховат» ва «Мурувват» уйларидаги нуронийлар ҳолидан хабар олиниб, уларга 34,3 млн. сўмлик кўмак берилди. Ўтган давр мобайнида ҳарбий қисмлар, чегарачилар билан касаба уюшмалари ўртасида ҳамкорлик алоқалари янада кучайтирилди.

Олдимизда турган вазифалар ниҳоятда серқирра. Кейинги уч ярим йилда иш берувчилар олдига расмий талаблар билан чиқиш, ҳокимлик, банк, прокуратура ва суд органларига мурожаат қилиш, даъво аризаларини киритиш бўйича ишлар кўлами кенгайди. Прокуратура ва суд идораларига иш ҳақи бўйича муддати ўтган қарздорликларни ундириш учун жами 46 маротаба мурожаат қилиниб, даъво аризалари киритилди. Натижада, фуқароларга ўз вақтида тўланмаган иш ҳақи ундириб берилди. Яна бир муҳим жиҳат шуки, вилоятимиздаги касб-ҳунар коллежларининг 5244 нафар битирувчисининг ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва уч томонлама шартнома тузиш билан қамраб олинишида касаба уюшмаларининг ғамхўрлиги кучайтирилмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига энг кам иш ҳақининг 20-50 фоизи миқдорида жами 127,6 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилди.

2014 йилда 2701 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчисига 68,5 млн. моддий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида меҳнатни муҳофаза қилиш борасида 1196 та бошланғич ташкилот фаолияти ўрганилиб, чуқур таҳлил қилинди. Меҳнат муҳофазаси бўйича қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг 8244 та ҳолатда бузилиши аниқланиб, иш берувчиларга 1290 та тақдимнома киритилди. Жами, 8012 та камчилик бартараф этилди.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олдириш касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим вазифаларидан биридир. Шу боис касаба уюшмалари томонидан 4452 нафар фуқаро республика ва вилоятдаги санаторийларда имтиёзли йўлланмалар билан ўз саломатлигини тиклаши таъминланди. Бунга ижтимоий суғурта ва касаба уюшмаси бюджети маблағи ҳисобидан 2521,8 млн. сўм сарфланди.

Фуқаролардан тушган аризалар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва қуйи тармоқ касаба уюшма органлари билан ҳамкорликда ўрганилиб, ҳал этилмоқда. Ўтган даврда бирлашмамизга 856 та ёзма, 1071 та оғзаки мурожаат қилинган, уларнинг барчаси қонун доирасида кўриб чиқилиб, тегишли жавоблар берилган.

Меҳнат қонунчилиги бўйича келиб чиққан низолар бўйича аризалардан 9 таси суд, 109 таси касаба уюшмалари орқали қаноатлантирилган. 45 нафар фуқарони ишга тикладик. Ўтган давр мобайнида касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган 151 та семинар ва давра суҳбати ўтказилган ҳамда оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинган.

Давр фаолиятимизга ўз тузатишларини киритмоқда. Замон талабларидан келиб чиқиб, ходимларимиз компютер техникаси билан тўлиқ таъминланди, бирлашмада интернет хизмати, электрон ҳужжат алмашинуви йўлга қўйилди.

Умуман олганда, ишлаб чиқилаётган чора-тадбирларнинг барчаси меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини мустаҳкам ҳимоялашга хизмат қилаётир.

Абдукарим АҲМЕДОВ,
Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

2014 йил — Соғлом бола йили

Соғлом бола йили муносабати билан «Олмалиқ конметаллургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти раҳбарияти ва касаба уюшма кенгаши қўшма тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, шу асосда иш олиб бормоқда. Жумладан, ҳозиргача 8 та цех ва бўлинма меҳнат жамоаларида «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мақсад ва моҳияти тарғиб қилинди. Наврўз байрами арафасида 10 та «Мурувват», «Саховат», «Меҳрибонлик» уйларига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. «Металлург» спорт клуби томонидан комбинатнинг ҳаваскор ишчилари ўртасида веломарафон ҳамда 1999-2000 йилларда таваллуд топган 80 дан ортиқ қизлар ўртасида баскетбол бўйича республика турнирлари ўтказилди.

Келажагимиз эгаларига эътибор

Келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларимиз учун спорт соҳасида кенг имкониятлар, шароитлар яратишга йил сайин эътибор кучайтирилмоқда. Жорий йилнинг апрел ойида Олмалиқ шаҳрида «ОЛМК» янги спорт мажмуаси бунёд этилди.

«Олмалиқ КМК» ОАЖ тасарруфидаги «Металлург» маданият саройи комбинат касаба уюшма кенгаши томонидан 2014 йил учун мўлжалланган иш режаси асосида фаолият юритаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан комбинат цех ва бўлинмаларида энг долзарб мавзуларда «Маънавият соатлари», учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Соғлом бола йили муносабати билан ишчи-хизматчилар иштирокида «Соғлом бола — соғлом келажак», «Соғлом бола — соғлом оила меваси», «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юрт фарзандлари соғлом бўлур», «Фарзандлар камоли юрт истиқболи» мавзуларида суҳбатлар бўлиб ўтди.

«Металлург» маданият саройида фаолият юритаётган бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан эълон қилинган «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Кўрик-танловда «Гулғунча» болалар рақс жамоаси, «Эделвейс» халқ рақс ансамбли, «Баҳор» болалар рақс жамоаси, «Родник» болалар рақс жамоаси, «Зарб» доирачилар ансамбли, «Дуторчи қизлар» ансамбли, «Тарона» намунали болалар вокал жамоаси, «Колибри» болалар вокал жамоаси иштирок этди.

Вокал йўналишида «Колибри» болалар вокал жамоаси, эстрада қўшиқчилиги йўналишида «Колибри» болалар вокал жамоаси иштирокчилари Регина Ибрагимова ва Карина Исраилова ҳамда «Тарона» болалар вокал жамоаси иштирокчиси Жамол Кенжаев, миллий созандачилик (доира, карнай-сурнай) йўналишида «Зарб» доирачилар ва «Дуторчи қизлар» ансамбллари, жамоавий рақс ижрочилиги йўналишида «Гулғунча», «Эделвейс», «Родник» болалар рақс жамоалари ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиблар ОКМК раҳбарияти ва касаба уюшма кенгаши томонидан муносиб тақдирланиб, кўрик-танловнинг якуний республика минтақавий босқичига йўлланма олишди.

Умида ЖАЛИЛОВА,
«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма кенгаши бўлим мудири

Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида қатор ҳамкор ташкилотлар ўртасида тузилган қўшма қарорга асосан жойларда йилнинг энг фаол мутахассислари аниқланмоқда.

Кўтаринки руҳда

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган танловда «Энг фаол ёш ҳунарманд» ва «Энг фаол ёш тадбиркор» номинациялари эгалари маълум бўлди. Унга кўра, халқ чолғу асбоблари ясаш устаси Сухроб Иноятов «Энг фаол ёш ҳунарманд» деб топилган бўлса, миллий каштачилик ва гилам тўқиш устаси Фарида Жабборова иккинчи, ёш сандиқсоз Нуржаҳон Маҳмудов учинчи ўринларга эга бўлди. Шунингдек, «Насаф тоза сифат» ОАЖ ходими Феруз Суюнов «Энг фаол ёш тадбиркор» танлови ғолибига айланди. Кейинги ўринлар акфа эшик-ромлари ишлаб чиқарувчи Беҳзод Тошев, «Эверест холдинг пласт» МЧЖ ишчиси Ҳасан Бозоровларга насиб этди.

— Ғолиб ва совриндорлар, шунингдек, ҳунармандлардан Ҳулкар Азизова, Сетора Жабборова, Кумуш Маматова, Сардор Самадов, Дилсора Раҳимова, тадбиркорлардан Дилшод Узоқбоев, Дилнавоз Бўронова, Шакар Ҳамроев танловдаги фаол иштироки учун дипломлар билан тақдирланди, — деди тармоқ касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Азамат Нурматов.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги 3-академик лицейда ёшларнинг замонавий билим олиши ва жисмонан соғлом ўсишлари учун барча шароитлар яратилган. «Шунқорлар», «Ёш чегарачилар», «Моҳир мерган» клубларида ўқувчи-ёшлар фуқаро муҳофазаси, тиббий ва ҳарбий билим асослари бўйича сабоқ олаётир. Клуб аъзолари дарсдан бўш вақтларида жанговар тайёргарлик машғулотларига жалб қилинган.

Яқинда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг Қашқадарё вилоят босқичида ушбу таълим даргоҳи жамоаси сафда юриш, ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий тайёргарликлар, мерганлик, кросс ва бошқа шартлар бўйича биринчи ўринни олди. Айни пайтда бўлажак Ватан ҳимоячилари мусобақанинг республика босқичига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Суратда: *«Шунқорлар» жамоаси сардори Жасур Диёров.*

ЎзА фотомухбири Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат



Фаррух Қодиров болалигидан илмга меҳр қўйди. Дастлаб ўрта мактабда, сўнгра академик лицейда аъло баҳоларга ўқиди. Устозлари Икром Тошманов, Озода Бобомуродова, Хайрулла Қаршиев, қолаверса, отаси, тажрибали ўқитувчи Тиркаш акадан кимё, биология, она тили ва адабиёт фанларини чуқур ўрганди. Шу боисдан, Тошкент педиатрия тиббиёт институтига давлат гранти асосида қабул қилинди.

Билимсевар

У талабалик даврида соҳанинг сир-асрорини қунт билан эгаллашга ҳаракат қилди, сермашаққат касб ҳисобланган шифокорлик ҳаёти мазмуни эканини тўла англаб етди.

Уч йилдирки, Фаррух Яккабоғ туманидаги Шов қишлоғида жойлашган «Дархон» қишлоқ врачлик пунктида фаолият юритмоқда. Умумий амалиёт шифокори мутахассислигига эга бўлган ёш ходим қисқа фурсат ичида ўзининг хушмуомалалиги, билими билан эътиборга тушди.

— Фаррухжон беморларни, авваламбор, сўз билан даволайди, — дейди «Дархон» ҚВП мудираси Каромат Нормуродова. — Пунктимиз Қовчин, Мучин, Шов, Шов-2, Бўтасой, Дотқуш, Бешўғил, Жар қишлоқларининг 10114 нафар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади. 14 ёшгача бўлган ўғил-қизларнинг сони 2792 нафар бўлиб, Фаррух Қодиров айнан шу ёшдаги беморларга сиҳат улашади. У замонавий тиббий асбоблардан фойдаланишда моҳир. Илгари аҳоли оддийгина ташхис учун ҳам туман марказига бориб келарди. Бугунги кунда эса шу ернинг ўзида касалликни аниқлаб, уни даволашнинг имкони бор. Шунинг учун муассасамизга мурожаат қилувчилар сони кўпайди. Бунда Фаррухжоннинг ҳам ҳиссаси катта...

— Яқинда ўрта мактаб ва касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтишди, — дейди ёш шифокор. — Бирон-бир касаллик аломати аниқланган ўқувчиларга даволаниши учун тавсия ва йўлланмалар берилди. Албатта, касалликни эрта аниқлаш ва тезда тузатиш учун бу каби кўрикларнинг аҳамияти беқиёс.

Саломатлигимиз ўз қўлимизда. Соғлом турмуш тарзига, шахсий гигиенага амал қилиш, тозалик ва озодаликни сақлаш, овқатланиш меъёрларига амал этиш, вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб туриш — тансиҳатликнинг асосий омилларидандир.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўқув

Тажриба оммалаштирилди

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фориш туман кенгаши «Энг намунали бошланғич ташкилот — 2013» кўрик-танлов ғолиблари фаолиятини оммалаштириш бўйича вилоят ўқув-семинарини ташкил этди.

Тадбирда шаҳар, туманлар тармоқ касаба уюшма кенгашлари раислари, вилоят КУТБ бўлим мудирлари, Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси, Фориш туман тармоқ тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари иштирок этишди.

Иштирокчилар дастлаб тумандаги 33-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси иш фаолияти билан яқиндан танишди. Билим масканида 60 нафар касаба уюшма аъзоси бўлиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатлари тўла қамраб олинган. Жамоада меҳнат қилаётган 39 нафар аёл, 14 нафар ёшга, шунингдек, 5 нафар кам таъминланган оила, 2 нафар ишлаётган пенсионер, бир нафар ишлаётган ногиронга жамоа шартномаси орқали қатор имтиёзлар жорий қилинган. Жамоа шартномаси бўйича ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 587,2 минг сўмга тўғри келмоқда. Меҳнат муҳофазасига ҳам эътибор ортаётир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ушбу жамоа туманда «Энг намунали бошланғич ташкилот» деб топилган.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олишди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Стационар ва кундузги оромгоҳларда жорий йилги мавсумда қанча бола дам олади? Ҳордиқни мазмунли ташкил этиш учун қандай тадбирлар режалаштирилган?

— Вилоятимизда шаҳар ташқарисидаги 24 та доимий оромгоҳда 10500 нафар болажоннинг соғломлаштирилиши мўлжалланаётир. Бундан ташқари, ҳокимликлар, ҳомий корхона-ташкилотлар, муассасалар ва тадбиркорлар маблағлари ҳисобидан жойларда 49 та кундузги оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилиб, бу масканларда меҳнаткашларнинг 11820 нафар фарзанди ҳордиқ чиқаради.

Бунга қўшимча равишда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва вилоят халқ таълими бошқармаси билан биргаликда 250 нафар бола «Меҳнат ва дам олдириш», халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда 100 нафар ўғил-қиз «Интеллектуал ривожлантириш», «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими кенгаши билан ҳамкорликда 100 нафар ўқувчи «Ҳарбий тарбия спорт соғломлаштириш» оромгоҳларида дам олдирилади.

— Тарбиячи ва мураббийлар касб маҳорати масаласига қандай ёндашилди?

— Жорий йилги соғломлаштириш мавсумида 588 нафар ходим иштирок этиши кўзда тутилаётир. Шу чоққача мувофиқлаштирувчи гуруҳ томонидан малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда барча тарбиячи ва етакчилар, шунингдек, 26 нафар врач, 12 нафар тиббиёт ҳамшираси, 48 нафар мусиқа ва жисмоний тарбия йўриқчиси, 20 нафар сузиш бўйича йўриқчи синовдан ўтказилди.

Марокли ҳордиқ таъминланади

Шунингдек, мавсумда Самарқанд давлат университети, Самарқанд чет тиллари институти талабалари иштироки ҳам таъминланади.

Яқинда оромгоҳ мутасаддилари учун ўқув-семинар ўтказилди. Унда вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, ДЭСНМ шифокорлари, фавқулодда вазиятлар бошқармаси, тайёрлов-савдо корхоналари вакиллари ҳамда касаба уюшмалари ходимлари дам олиш мавсумини хавфсиз ва камчиликсиз ўтказиш юзасидан атрофлича тушунчалар беришди.

Суҳбатни «Ishonch» мухбири Нурилла ШАМСИЕВ ёзиб олди

Давра суҳбати

Фаровонлик учун

Бухоро шаҳар қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, Савдо-саноат палатаси, «Ҳунарманд» уюшмаси ўртасида қабул қилинган қўшма қарор ижроси юзасидан «Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий корхоналар ва миллий ҳунармандчиликнинг роли» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда коллеж битирувчилари, ҳунармандлар ва кичик бизнес субъектлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмасининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Нодира Алимова бошқарди.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши вакили Айбек Ғанибаев «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ҳақида сўз юритиб, иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган жамоа шартномаси (имтиёз, кафолатлар ёш ходимларга ажратиладиган моддий ёрдамнинг тартиблари) тўғрисида атрофлича тўхталди.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси вакили Эрдон Ғадоев оилавий корхоналарга, давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги ахборот маслаҳат марказининг вилоят бўлими бошлиғи Аҳмад Ёдгоров кичик бизнес субъектларига давлат томонидан берилган имтиёз ва қулайликлар ҳақида тушунча берди.

«Ҳунарманд» уюшмаси Бухоро ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Пирмамат Шоназаров ҳунармандчиликни ривожлантиришда яратилаётган имкониятлар ҳамда «Устоз-шогирд» тизимидаги чора-тадбирлар, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси вакили Гуландом Ҳамидова оилавий корхоналар ташкил этилишида кўрсатилаётган амалий ёрдамлар тўғрисида сўзлади. Шунингдек, вилоят аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандликка кўмаклашиш маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, «Микрокредитбанк» ОАТБ вилоят бўлими вакилларининг ҳам мавзуга доир фикр-мулоҳазалари тингланди.

— Бундай тадбирлар доираси янада кенгайтирилади, — деди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси раиси Жаҳонгир Нуруллаев. — Истаймизки, ҳамкорликдаги ҳаракатларимиз самараси халқ фаровонлигида ўз ифодасини топсин.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ўрнида

Мижозлар манфаати устувор

Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» очиқ акциядорлик-тижорат банки ўзининг минтақавий филиаллари орқали республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хусусан, банкнинг Зангиота филиали томонидан 2014 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 90 га яқин тадбиркорларнинг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 5,2 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Ушбу лойиҳалар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ҳамда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини қамраб олган бўлиб, бунинг ҳисобига 50 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Филиал кредит портфелида аёллар тадбиркорлигига йўналтирилган сармоялар ўзига хос ўрин эгаллайди. Ҳисобот даврида ана шундай субъектларга берилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 28 фоизга ўсди.

Бундан ташқари, филиал томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 2,5 млрд. сўмлик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари учун эса 1 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Савдо ва маиший хизмат, қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари, жумладан, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик йўналишларида фаолият юритаётган ишбилармон ва фермерларнинг истиқболли бизнес-режалари молиявий қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Банк кредит сиёсатида аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар, чунончи, уларни уй-жой билан таъминлаш, талаба-ёшларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олишларига молиявий кўмаклашиш алоҳида ўрин эгаллайди.

2014 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, филиал томонидан ушбу мақсадлар учун йўналтирилган кредит маблағлари ҳажми 1,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, янги бинолар, дилни қувнатувчи боғ-роғлар, янги иш бошлаган корхоналарга кўзингиз тушади. Бу каби ривожланишларни, албатта, банклар фаолиятисиз, уларнинг молиявий кўмагисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогарбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки Зангиота тумани филиали жамоаси ҳам ўз фаолиятини юрт манфаатидан келиб чиққан ҳолда, мижозларга инкон даражасида енгилликлар яратишни кўзлаб меҳнат қилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Буни мазкур банк кўмагида тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган юртдошларимизнинг қуйидаги фикрларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Дилмурод Абдувоҳидов, «Zangiota Abduvohid Nabijon» МЧЖ раҳбари:

— Мустақил диёримизда инсонларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча имкониятлар мавжуд. Бунда банкларнинг ёрдами катта аҳамиятга эга.

Мен туманимизда жойлашган «Савдогарбанк»дан 420 млн. сўм кредит олиб, фаолиятимни бошладим. Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонамизда айни кунларда иш жуда қизғин. Жамоада коллежни тамомлаган 6 нафар йигит-қиз ҳам самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Фаҳриддин Маҳкамов, «Pokiza niyat» МЧЖ раҳбари:



ЎзА суратлари

— Меҳмондўст халқимиз дастурхонини ҳалол гўшт ва колбаса маҳсулотлари билан тўлдириб, кекса-ю ёшнинг дуосини олиш, қолаверса, оиламга моддий кўмак бериш мақсадида «Савдогарбанк»нинг туманимиздаги филиалидан 190 млн. сўм миқдорида кредит олиб, ушбу кредитга колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех ҳамда зарур хом ашёлар сотиб олдим. Эзгу ният билан бошлаган ишим бугун ўз натижасини бермоқда.

Фаолиятимга рағбат уйғотиб, менга молиявий мадад бўлаётган «Савдогарбанк»га миннатдорлигимни билдираман.

Мамир Заиров, «Qunduzxon muborak» фермер хўжалиги раҳбари:

— «Бир кун қийналиб ниҳол эксанг, умринг сўнгига қадар ҳосил оласан», дейдилар. Айниқса, етиштирган мевангдан бошқалар ҳам ҳузур қилиб, уларнинг олтинга тенг дуосини олсанг, бундай бахтнинг гашти ўзгача.

Боғ яратиш ниятида «Савдогарбанк»нинг Зангиота филиалидан 15 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит олдим ва режамни амалга оширдим. Олган кредитимнинг бир қисмини боғни парваришлашга сарфлаяпман. Яқин йилларда ниҳолларимиз ҳосилга киради.

Мухлиса Алимова, якка тартибдаги тадбиркор:

— Савдо фаолиятимни кенгайтириш мақсадида туманимизда жойлашган «Савдогарбанк»дан 25 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, айланма маблағларимни тўлдириш имконига эга бўлдим.

Ҳозирда ўз иш фаолиятимни сезиларли даражада ўнглаб олганман. Бундай ёрдам учун Зангиота туманидаги «Савдогарбанк»га ўз ташаккуримни билдираман. Юрт тинчлиги ҳамда инсон манфаатларига хизмат қилишни шиорига айлантирган ушбу молия муассасаси фаолияти бундан-да юксалаверсин.

Рухсора ОЧИЛОВА

Реклама ўрнида

«Асака» банк кредитлари

тадбиркорлик тараққиётига хизмат қилмоқда

Тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилаётган кредит маблағлари ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётир. Мазкур йўналишдаги ишлар жорий йилда ҳам самарали давом эттирилаяпти.

Ўтган йили «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг Хоразм вилояти филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга жами 30,5 млрд. сўмлик кредит маблағларини йўналтирди. Ушбу сармоялар эвазига қўшимча 520 та янги иш ўрни яратилгани, шу аснода коллежларнинг 53 нафар битирувчиси иш билан таъминланганги диққатга сазовордир.

Банк филиали томонидан 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 36,0 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилади. Жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кучайтириш учун 1,9 млрд. сўм, аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва ривожлантириш учун 10,0 млрд. сўм, озиқ-овқат ва ноозиқ овқат ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 20,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилади. Жорий йилда тадбиркорларга 4,0 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратиш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга қарийб 11,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди. Бунинг натижасида, 80 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Банк филиали кредит портфели ҳажми 2014 йил 1 апрел ҳолатига 110,5 млрд. сўмдан ошди. Кредит қўйилмаларининг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

Банкнинг бу соҳадаги тадбирлари кўлами анча кенг ҳамда салмоқли ва унга доир мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зеро, мижозлар манфаати банк ходимлари учун доимо устувор ва ҳамиша асосий ўринни эгаллайди.

***

К.СОДИҚОВ, «Хоразм текс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Боғот туманининг Бешариқ қишлоғида тугалланмай қолган улкан енгил саноат мажмуасидаги қурилишларни ниҳоясига етказиш ва уни тўла ишга туширишни режалаштиргандик. Ушбу ташаббусимизни қўллаб-қувватлаган «Асака» банк маъмурияти лойиҳамизни молиялаштиришга қарор қилди. Ташкилотимиз тасарруфидаги маблағга банкнинг кредит сармояси қўшилгач, ишимиз суръати ва сифати кескин ортди.

Эътироф этиш лозимки, жаҳонда енгил саноат соҳаси жадал ривожланаяпти ва бугун ҳар жиҳатдан кўркам саналган кийим-кечак эртага ўз ўрнини янги мода ва намуналарга бўшатиб бераяпти. Шуни назарда тутган ҳолда бунёд этилаётган тўқимачилик фабрикамизни бир неча ўн йиллардан кейин ҳам одамларга манзур бўладиган миллий ва замонавий кийимлар билан таъминлаш имконини берувчи истиқболли машина ва ускуналар билан жиҳозлашни асосий мақсад қилиб белгиладик. Халқаро ҳамкорлик шартномасига биноан харид қилинган технологик воситалар яқин ойлар ичида корхонамизга етказиб келинади. Шу йилнинг ўзидаёқ ишга тушириладиган янги тўқимачилик мажмуаси жамоамизнинг банк муассасаси билан ҳамкорликда халқимизга ва истиқлолимизнинг 23 йиллик муборак санасига муносиб совғаси бўлади.

М.САИДОВ, Урганч туманидаги «Шерзод-Ҳамдам» фермер хўжалиги бошлиғи:

— «Асака» банкнинг Хоразм вилоят филиали томонидан ажратилган кредит маблағи фермер хўжалигимизни кўп тармоқли хўжаликка айлантиришда ҳал қилувчи рол ўйнади, десам хато бўлмайди. Ушбу кредит маблағи эвазига бир йўла четдан олиб келинган иқлим шароитимизга мос 10 бош наслдор қорамол харид қилиш ҳамда эски фермахона биносини замонавий лойиҳа асосида реконструкциялашга муваффақ бўлдик. Натижада, қўшимча 6 та янги иш ўрни яратилди. Унга қишлоғимиз ёшлари, жумладан, 2 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчисини жалб қилдик. Бугунга келиб ҳам пахтачилик, ҳам ғаллачилик, ҳам чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигимиз қарамоғидаги қорамоллар сони 105 бошга етди. Унинг 60 тасини хориждан келтирилган наслдор ва маҳсулдор қорамоллар ташкил этади. Ўтган йилнинг ўзида биргина сутчилик (йил давомида 58,3 минг литр маҳсулот етиштирилди)дан 87,5 млн. сўм даромад олдик. 5,5 тонна гўшт маҳсулоти етиштирилгани ҳам катта миқдордаги сармояга гаров бўлди.

Ўтган қисқа фурсат ичида «Асака» банк ва фермер хўжалигимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари синовдан ўтди. Ўртамизда қатъий ишонч юзага келди. Бунга кредит шартномаси талабларига томонларнинг пухта ва қатъий амал қилиши туфайли эришилди.

Ю.ОЗОДОВА, «Урганч Карпет-сервис» хусусий корхонаси раҳбари:

— «Асака» банкнинг Хоразм вилоят филиали билан молиявий ҳамкорликка бел боғлар эканмиз, кўзлаган режаларимиз бу қадар тез ва силлиқ рўёбга чиқишини ҳатто хаёлимизга ҳам келтирмагандик. Ростини айтсам, бироз шошиб ҳам қолдик. Сабаби, кредит учун ўтган йилнинг охирларида банкка берилган буюртма орадан бир неча ҳафта ўтмасданоқ қондирилди. Хорижлик ҳамкорларимиз томонидан «Асака» банк кредити ҳисобига ўз вақтида юборилган замонавий гилам ювиш, тозалаш ва қуритиш ускуналари декабр ойида корхонамизга етказиб берилди.

Гилам тозалаш корхонамиз куни кеча ўз фаолиятини бошлади. 8 нафар янги иш ўрни очилди. Экологик мусаффо ҳамда хушбўй табиий воситалар ёрдамида ювилиб, тозаланган ва шу тариқа ўзининг янги ишлаб чиқарилган пайтдаги сифати ва қиёфасини қайта тиклаган гилам ва гилам маҳсулотлари мижозларни хушнуд этяпти.

И.МАДАДОВ, якка тартибдаги тадбиркор:

— Зарур моддий пойдевор тадбиркорлик фаолиятининг гарови ва асоси эканлигини коллеж таълимини олаётган пайтдаёқ англаб етганман ва шу йўлдан боришга қатъий ахд қилганман. Ўқиш охирлаб қолганида катта ҳаёт бағрига кириб келаётган биз каби ёшларни бевосита «Асака» банк ходимларининг ўзлари йўқлаб келиб, тадбиркорлик фаолиятига орзуманд битирувчиларга кредит маблағи таклиф этгани бу борадаги фикрларимни ўзгартириб юборди.

Ҳозир 21 ёшдаман. Коллежни тугаллабоқ тадбиркорлик фаолиятига киришганман. Алоқа-ахборот тизими бўйича тадбиркорлик фаолиятини босқичма-босқич кучайтиришга муваффақ бўлаяпман. Ўтган қисқа фурсат ичида республикамиздаги уяли алоқа тармоқлари бўйича диллерлик малакасини ҳам ўзлаштирдим. Бундай катта «сакраш»га «Асака» банкнинг мадади туфайли эришаяпман. Банк томонидан биз — иш бошлаётган ёш тадбиркорларга мунтазам равишда молиявий ёрдам кўрсатилаяпти. Ўз фаолиятимни бошлаётган пайтда «Асака» банк Хоразм вилоят филиали кредит маблағидан фойдаландим.

Оммавий тадбиркорлик ҳаракати туфайли юртимиз яшнамоқда, мамлакат кучқудрати ортиб, халқимиз ҳаёти тобора фаровонлашмоқда. Бундай олижаноб саъй-ҳаракатларга барча ёш тадбиркорлар қатори мен ҳам самарали улуш қўшаётганимдан хурсандман. Бунда бизга, албатта, «Асака» банк молиявий кўмаги қанот бўлмоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «Ishonch» мухбири

ЎзА суратлари

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 20-may № 61 (3410)

Соғлом турмуш сари

Веломарафон эзгу мақсадлар йўлида навбатдаги қадам бўлди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қозоғистоннинг Талгар шаҳрида эркаклар, андерлар (23 ёшгача бўлган велоспортчилар) ва ёшлар ўртасида шоссе бўйича анъанавий хотира турнири якунига етди.

Тўққиз босқичдан иборат бўлган мазкур мусобақада ўн беш давлатдан келган 107 велоспортчи ўз имкониятларини синовдан ўтказди.

Ёшлар ўртасидаги индивидуал пойгаларда иштирок этган Дилмурод Сиддиқов умумий ҳисобда барча рақибларини ортда қолдириб, шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилди. Мазкур йўналишда қатнашган яна бир ёш вакилимиз Алексей Строилов бронза медалини қўлга киритди.

Андерлар ўртасидаги беллашувларда ўзини кўрсатган Жаҳонгир Дармонов ҳам бронза медал соҳибига айланди. Вакилларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни банд этишди.

Пойга

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек истироҳат боғига ёндош трассада ташкил этилган «Касаба-тур»нинг тўртинчи — якуний босқичига катта тайёргарлик кўрилди. Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда уюштирилган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 500 нафарга яқин велоспорт ишқибози қатнашди.

Веломарафонда ёш тоифалари ҳисобга олинган бўлиб, бу мусобақанинг ҳалол ва тенг курашлар остида ўтишини таъминлади. 20-35 ёшгача бўлган эркаклар ўртасидаги беллашувларда Тошкент шаҳри вакили Мавлон Тўраев марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Нукус шаҳридан узоқ йўл босиб келган Пана Даулетбаев эса мусобақага шунчаки ташриф буюрмаганини амалда исботлаб, иккинчи ўринни қўлга киритди. Андижон вакили Темур Обидов учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Шу ёш тоифасида аёллар ўртасида ташкил этилган баҳсда Қорақалпоғистон Республикаси вакиласи Қарлиғаш Бегжанова барча рақибаларини ортда қолдириб кетди. Райҳон Тиловова (Қашқадарё) ҳамда Нигора Муҳаммадиева (Сирдарё) совриндорлар сафидан жой эгаллади.

35 ёшдан катта эркаклар ўртасидаги беллашувларда Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилган Евгений Киршин ғалаба нашидасини сурди. Қуанишбай Худойбергенов (Қорақалпоғистон Республикаси) ва Игор Ларин (Тошкент вилояти) шоҳсупанинг кейинги ўринларини банд этди.

Мазкур ёш тоифасида аёллар ўртасидаги пойгада Дилфуза Аллаёрова (Тошкент вилояти) ғалабани тантана қилган бўлса, Жумахон Тўрақулова (Фарғона) ҳамда Зулфия Қувватова (Наманган) мос равишда кейинги ўринларни эгаллади.

Шунингдек, веломарафоннинг махсус номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Қобилжон Ўраимов «Энг ёш пойгачи», Тўра Яҳёев ва Елизавета Бажинова «Энг ёши улуғ пойгачи», Татяна Ходжаева «Энг фаол аёл пойгачи», Владимир Шкиро «Энг маҳоратли пойгачи» дея эътироф этилди. Зилола Жўраева эса «Ғалабага бўлган иштиёқи учун» номинацияси ғолибасига айланди.

Бундан ташқари, оммавий пойгаларда фаол иштирок этган 35 нафар иштирокчига махсус совринлар топширилди.

«Касаба-сайр» раҳбари — «Касаба-тур» фаоли

Дарвоқе, касаба уюшмалари тизимида ишловчи кўплаб ходимлар ҳам мазкур веломарафонда фаол иштирок этишди. Ана шундай жонкуяр, спортга ошнолардан бири ЎзКУФК тасарруфидаги «Касаба-сайр» шўъба корхонаси директори Тўлқин Хидировдир.

— Бугунги мусобақада иштирок этиб, очиғи, маза қилдим. Ёшлигимдан спортга қизиқаман. Сузишга қатнайман, велоспорт билан кўпдан дўстмиз. Оиламда ҳам соғлом муҳитни шакллантиришга қаттиқ эътибор бераман. Фарзандларимнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишларини доимий равишда назорат қиламан. Ахир, соғ танда — соғлом ақл, дейди доно халқимиз. Ўрнак масаласига келадиган бўлсак, бунда, аввало, ўзимиз ибрат кўрсатишимиз лозим, — деди Тўлқин Хидиров биз билан суҳбатда.

Шунчаки мусобақа эмас

Шу куни нафақат спорт мусобақаси ташкил этилди, шунингдек, мазкур веломарафон аҳоли кайфиятини кўтарувчи оммавий тадбирга ҳам айланиб кетди.

— Веломарафонни фақат спорт мусобақаси бўлса керак, деб ўйлагандик. Лекин бу ерда биз бутунлай бошқача манзарага гувоҳ бўлдик. Тенгдошларим, дугоналарим билан мириқиб кўнгил ёздик, — деди Транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Зиёда Маликова.

— Тўғриси, бу мусобақада иштирок этмаганимдан афсусландим. Ўзим тенгиларнинг велосипед бошқаришларини кўриб, ҳавас қилдим. Энди мен ҳам велоспорт билан жиддий шуғулланмоқчиман. Болаларимни ҳам ушбу спорт турига тортиш ниятим бор, — дейди мусобақани завқ билан томоша қилаётган Розия Аббосова.

— Юртимизнинг тинч ва осудалигига, халқимизнинг аҳил ва иноқлигига, илоҳим, кўз тегмасин. Агар юрт тинч бўлмаса, бундай шукуҳли кунлар қайдан эди? Ёшларнинг нигоҳларида қувонч, шижоат, келажакка ишончни кўриб беадад шукроналар айтдим. Бугунгидай тадбирларни ташкил этаётганларнинг бошлари омон бўлсин, — дея дуо қилади Замира ая Умарова.

Сўз — ғолибларга

— «Касаба-тур»да ўтган йили ғолиб чиққандим. Бахтимни қарангки, бу йил ҳам финишга биринчи бўлиб етиб келдим. Тўғриси, буни кутмагандим. Чунки, юртимизда велоспорт йилдан-йилга оммалашиб бормоқда. Табиийки, рақобатчилар ҳам кўпаймоқда. Бу йилги мусобақада ғолиб бўлиш осон бўлгани йўқ, — деди Мавлон Тўраев.

— Мусобақанинг якуний босқичида илк бор қатнашишим. Омадим келиб веломарафон ғолибасига айландим. Мамлакатимиз аёллари ўртасида спорт турларига бўлган қизиқишнинг ортиб бораётгани, кўп қатори мени ҳам жуда хурсанд қилади. Мусобақа ташкилотчиларига эса алоҳида миннатдорчилик билдираман. Яратилган шароитлар, ғамхўрликдан барча иштирокчилар мамнун, — деди Қарлиғаш Бегжанова.

— Ушбу спорт тури билан шуғулланиш учун махсус тайёргарлик шарт эмас. Битта велосипед бўлса етади. Узоқ йиллардан бери велосипед ҳайдайман. Ўзимни ҳар доим бардам ҳис этаман. Касалликларга деярли чалинмайман, иштаҳам яхши. Буларнинг ҳаммаси велоспорт билан шуғулланишимдан, — деди Евгений Киршин.

— Аёл кишининг соғлом бўлиши жудаям муҳим. Чунки, у вақти келиб фарзандларининг онаси бўлади. Шунинг учун ҳам аёлларимизнинг спорт билан доимий равишда машғул бўлишларини қўллаб-қувватлайман. Бугунги мусобақадан олам-олам завқ олдик, катта таассуротлар билан уйимизга қайтамиз. Веломарафонни уюштирган барча ташкилотчиларга ўзимнинг ва иштирокчиларнинг самимий ташаккурларини билдираман. Бундай мусобақалар давомли бўлишини тилаб қоламиз, — деди Дилфуза Аллаёрова.

***

«Касаба-тур — 2014» веломарафонининг ғолиб ва совриндорларига ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Дилрабо куй ва қўшиқлар тадбирга ўзгача файз киритди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Истиқлол ғунчалари

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарорига асосан вилоятларда фаолият юритаётган болалар бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида ўтказилаётган «Истиқлол ғунчалари» танлови ёш санъат ихлосмандлари учун ҳақиқий маҳорат кўригига айланди.

Истеъдодлар кашф этилди

— Танловнинг қуйи босқичларида вилоятимиздаги мавжуд 17 та шаҳар ва туманлардаги маданият муассасаларида фаолият юритаётган 70 дан зиёд болалар бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этиб, унда 335 нафардан зиёд 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар иштирок этди, — дейди Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ф.Қурбонова. — Ажойиб чиқишлар, жонли ижролар санъатсевар ёшлар орасидан келажакда саҳна усталари етишиб чиқишидан дарак беради.

Олти йўналиш бўйича ўтказилган танловнинг вилоят босқичида дастлаб, Андижон шаҳридаги «Болалар шаҳарчаси»нинг «Шодиёна» ашула ва рақс ансамбли «Дилхирож», «Андижон полкаси» рақсларини ижро этди.

6-синф ўқувчиси Ҳомиджон Ҳикматуллаев ушбу танловда илк марта қатнашаётганини айтиб, жумладан, шундай деди:

— Тўрт йилдан буён афғон рубоби чалишни ўрганаман. Бунинг самараси ўлароқ туман босқичида ғолиб чиқдим. Келажакда созанда бўлишни кўнглимга тукканман.

Тадбир якунида анъанавий ижрочиликда Жалақудуқ туманидаги 20-мактаб ўқувчилари Д.Абдусатторова ва А.Фофуржонов, эстрада қўшиқчилигида М.Мирзаева, якка чолғу ижрочилигида пахтаободлик Х.Абдумухторова, якка ва ансамбл чолғу ижрочилигида Марҳамат туманидан «Дуторчи қизлар» гуруҳи, якка рақсда Хўжаобод туманидаги 24-мактаб ўқувчиси Х.Толипова, жамоа рақсида Андижон шаҳридаги «Болалар шаҳарчаси»нинг «Шодиёна» гуруҳи ғолиб деб топилди.

Ғолиб ҳамда иштирокчилар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Улар 3 июн куни Фарғона шаҳрида бўлиб ўтадиган танловнинг ҳудудий босқичида иштирок этади.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

«Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Иштирокчилар анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, якка чолғу ижрочилиги, ансамбл чолғу ижрочилиги, якка рақс ижрочилиги, жамоа рақси ижрочилиги йўналишлари бўйича маҳоратларини синовдан ўтказишди.

Санъатнинг сеҳри ўзгача

Кўрик-танловнинг туманларда бўлиб ўтган саралаш босқичларида ғолиб чиққан 14 та жамоа, 25 нафар ёш яккахон ижрочи орасидан ғолиблар аниқланди. Сергели туманидаги 301-мактаб 5-синф ўқувчиси Шерзод Зокиров анъанавий ижрочилик, Яккасарой тумани «Баркамол авлод» болалар маркази вакиласи Латифа Азизова эстрада қўшиқчилиги, «Тошкент трактор заводи» ОАЖ «Тракторсозлар» маданият саройидан Амина Алимова якка чолғу ижрочилиги, Олмазор туманидаги 133-мактаб 1-синф ўқувчиси Севинч Валиева якка рақс ижрочилиги, Ҳамза тумани «Баркамол авлод» болалар маркази «Кўзмунчоқ» рақс жамоаси жамоа рақси ижрочилиги йўналишларида совриндор бўлди.

Ўз мухбиримиз.
Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Навоий шаҳридаги «Наврўз» маданият уйида «Ҳамшира — 2014» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Балли, саломатлик посбонлари

Юртимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳамшираларнинг билим даражасини ошириш, истеъдодларини намоён этиш мақсадида ўтказиб келинаётган танловда шаҳар ва туманларда ғолиб бўлган 13 нафар ҳамшира 5 турдаги шартлар бўйича беллашди.

Якунда Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси ички касалликлар бўлими ҳамшираси Мадина Неъматова 1-ўрин ва танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритган бўлса, 2-ўрин вилоят онкология диспансери ҳамшираси Моҳинур Абдураҳмоновага, 3-ўрин Хатирчи туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Шохиста Латиповага насиб этди.

Кўрик-танловнинг ҳар бир иштирокчиси вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Боймурот НИЁЗОВ,
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



«Энг намунали оила»

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Юртимизда оилалар тинчлиги, фарзандлар камолотига алоҳида эътибор берилаётганини ана шундай танловлар мисолида кўришимиз мумкин, — дейди қорақалпоғистонлик Инжагул Сабурова. — Нукус шаҳрининг «Шоирлар овули» маҳалласида истиқомат қиламиз. Хонадонимиз вакилларининг барчаси санъат шайдоси. Турмуш ўртоғим мусиқа ва санъат мактабида ёш авлодга таълим беради. Ўзим ҳам созандаман, ғижжакни берилиб чаламан. Олти нафар фарзандимиз ҳам санъат йўлини танлашди.

Ўғилларим Женисбек ва Жонибек Пиязовлар «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлишган. Уч нафар келинимиз бор, 4 набиранинг бувисиман. Оила — муқаддас қўрғон. Ана шу қўрғонни асраб-авайлаб, турмуш синовларидан мардонавор ўтган инсонгина бахтли бўла олади. Бугунги танловда 1-даражали диплом билан тақдирландик. Бу оиламиз учун катта шараф. Барчага раҳмат айтиб, оилавий хотиржамлик ва фарзандлар камолини кўриш бахтини тилайман.

— Биз Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги «Оқтош» маҳалласида яшаймиз, — дейди Жамила Камолова. — Маҳалламизда ибратли оилалар кўп. Улар орасидан бизни танлашганидан бошимиз кўкка етди. Турмуш ўртоғим Абдували ака билан институтда бирга ўқиганмиз.— Иккаламиз ҳам кўп йиллар мактабда ёшларга рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бердик. Ҳозирда мен тумандаги 31-мактабда, турмуш ўртоғим 61-мактабда директор вазифасида меҳнат қиляпмиз. Оила қурганимизга 32 йилдан ошди. Шу орада 3 қиз, бир ўғилни тарбиялаб, вояга етказдик. Фарзандларимиз ҳам изимиздан бориб, педагоглик касбини танлашди. Икки қизимни узатганман. 5 нафар набирам бор. Худога шукр, қизларимнинг қайнона-қайнотасидан фақат раҳмат эшитяпман. Танловда «Оила — жамият негизи ва кўзгуси» номинацияси билан тақдирландик. Бундан жуда мамнунмиз.

— Ота-онам мен учун доимо ибрат бўлишган, — дейди навоийлик намунали оила фарзанди Ҳулкар Норова. — Мақсад сари дадил интилиш, ташвишларни сабр билан енгиш, фидойи бўлиш фазилатларини, аввало, ота-онамда кўрганман. Биз оилада бир ўғил, икки қизмиз. Дадам ҳисобчи, онам эса педагог. Қизилтепа туманидаги «Хавқориён» маҳалласида яшаймиз. Ота-онам маҳалладошларимизнинг ташвиш ва қувончига шерик бўлиб, доимо ёрдам беришга интилишади. Шу боис, уларни маҳаллада барча бирдек ҳурмат қилади. Оиламиз намунали оилалар сафидан жой олганидан барчамиз қувондик. Мен ҳам ота-онам каби эл ардоғида бўлишга ҳаракат қиламан.

Танлов ғолибларига ташкилотчи ва ҳамкорларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тадбирда таниқли санъаткорлар ижросида куй-қўшиқлар янгради.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
ЎзА фотомухбири
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ
олган суратлар

Утерянный гос. Ордер № 00-22/3538 от 30.03.1995 года на права собсвенности на квартиру по адресу Бектемирский район, Водник 2-6-15 на имя **Алиевой Людмилы Каримовны** считать не действительным.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
9 772010 500009

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, **Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69, **Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79, **Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43, **Reklama va e'lonlar** — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; **Buxoro** + 99893 653 50 81; **Sirdaryo** + 998 90 999 58 30; **Jizzax** + 998 94 418-67-49; **Navoiy** + 998 94 226-28-84; **Namangan** + 998 90 260-50-77; **Samarqand** + 998 93 352-50-87; **Qashqadaryo** +998 91 467-30-01; **Surxondaryo** + 998 95 502-68-99; **Farg'ona** + 998 90 583-49-79; **Qoraqalpog'iston Respublikasi** + 998 91 268-92-32; **Xorazm** + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: N.Umarova

Bosishga topshirish vaqti -00.40
Topshirildi - 00.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 518 | 20737 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5